

---

## ҒОЛИБ ЗАКОВАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Заковат» интеллектуал ўйини туман босқичи старт олгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Умумтаълим мактабларининг билимдон ўқувчиларидан тузилган 39 та жамоа бугун ўз маҳоратларини кўрсатдилар. «Заковат» интеллектуал ўйини юртимиз бўйлаб кенг миқёсда оммалашиб бормоқда. Президентимиз томонидан ҳам «Заковат» интеллектуал ўйинига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги беллашувда жамоалар сони кўп бўлганлиги, рақиблар сони ортиқлиги туфайли мусобақа анча муросасиз кечди.

Туман ҳоқими ўринбосари Мирзоҳид Хатамов, «Марказий Фарғона» газетаси бош муҳаррири Азимжон Худойқулов, туман ХТБ мудир Фозилжон Йўлдашев, Ёшлар Ишлари Агентлиги туман бўлими раҳбари Умиджон Деҳқоновлар иштирокида қатнашчиларга омад тиланиб, мусобақага старт берилди. Учта турнинг ҳар бирида иштирокчиларга 10 тадан савол берилди. Ҳар бир иштирокчининг ўз фикр, ўзгача дунё қараши бўлади. Бундай вазиятда ҳамма фикрни бир жойга жамлаш учун, албатта битта сардор тайинланади. Бугунги учрашувда ҳам жамоа сардорларининг ўйиндаги роли катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳар томонлама фикрлаш, диққатини бир жойга жамлаш бу ўйинда ҳар бир инсон учун катта фойда келтиради.

Якуний натижаларга еўра, 1-ўринни 25-мактаб жамоаси, 2- ўринни 3-мактаб жамоаси, 3-ўринни 5-мактаб жамоалари қўлга киритдилар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Эндиликда ушбу жамоалар вилоят босқичида туманимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Барча иштирокчиларга омад тилаб қоламиз.

Маҳмуджон ОЛИМОВ

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-09-14 11:20:49